ФРАЗЕОЛОГИК МАЪНОДА БИРЛАШТИРУВЧИ СЕМА

Ш. ГАНИЕВА

Мақолада фразеологизмларнинг мазмуний мундарижаси, уларнинг интеграл ва дифференциал белгилари, мазмуний мундарижани ташкил этган компонентларнинг фразеологик системадаги ўрни тўғрисида сўз юритилади.

***Калит сўзлар**: фразеологизм, интеграл ва дифференциал белгилар, мазмуний мундарижа, фразеологик система*

В данной статье исследуются вопросы семантической структуры фразеологизмов, их интегральные и дифференциальные признаки, место компонентов семантической структуры в фразеологической системе языка.

***Ключевые слова**: фразеологизм, интегральные и дифференциальные признаки, семантическая структура, фразеологическая система*

The article deals with the content of phraseologisms, their integral and differential peculiarities, components of contents of phraseologisms and their place in the system of phraseology.

***Key words:** phraseologism, integral and differential peculiarities, content, phraseological system.*

Тилшуносликда компонент таҳлил методининг кучайиши билан икки томонлама моҳиятга эга бўлган ментал бирликларнинг семантик структураси муаммосини ўрганишга қулай имконият вужудга келди. XIX аср иккинчи ярми XX асрнинг биринчи ярмини қамраб олган классик Европа тилшунослигида сўз ва унинг маъноси масаласи асосан флектив ва аналитик тиллар мисолида ўрганилди ҳамда бу тилларда лексик ва грамматик маъноларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги эътироф этилди. Шунинг учун сўзнинг мазмуний тузилиши лексик ва грамматик маъноларнинг ички конструктив бирлигидан иборатлиги қайд этилади [1.15].

Луғат орқали ҳар қандай тилдаги сўзларнинг систем алоқаларини очиб беришни бош вазифа деб ҳисоблаган Ю.Караулов лексема сememаси учта компонентнинг – лексик, мантиқий-семантик ва грамматик маъноларнинг қўшилувидан ташкил топишини баён қилади [3.290].

Ўзбек тилшунослигида ҳам лексеманинг мазмуний мундарижаси ҳақида турли хил қарашлар майдонга келди. Айрим муаллифлар грамматик маънодан лексик маънони ажратган ҳолда, уни лексик маъно устига қўйилган устама маъно сифатида баҳоласалар, бошқа муаллифлар лексема сememаси таркибидаги “предметлик”, “жараёнлик”, “белгилик” сингари умумлашган интеграл семалар лексеманинг семантик мундарижасига кириши, ҳар бир лексеманинг маълум лексик-семантик гуруҳга мансублигини кўрсатиб туриши, шунинг учун категориал сема ҳисобланишини баён қиладилар.

Лексик бирликлар мазмуний мундарижасига боғлиқ бўлган бу муаммолар фразеологик бирликларнинг мазмуний мундарижасига ҳам даҳлдордир.

Тилнинг ҳар бир сатҳ бирликлари маълум интеграл белги асосида умумийликни ҳосил қилади.

Шу билан бирга, турли сатҳ бирликлари ўртасида ҳам ўхшаш нуқталар мавжуд бўлади. Мазкур ўхшаш жиҳатлар мураккаброқ сатҳ бирликларининг номаълум томонларини унча мураккаб бўлмаган ва тадқиқотчи учун маълум бўлган сатҳ бирликларига қиёслаб ўрганишга қулай имконият яратади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай янги ўрганилаётган объект билан илгари ўрганилган ва кенг илмий жамоатчиликка маълум бўлган объектнинг ички тузилиши ўртасидаги изоморфликни аниқлаш ва ана шу изоморфлик асосида номаълум объектнинг табиатини ёритиш катта аҳамиятга эга. Лексема ва фразема (фразеологизм)лар ўртасида ҳам ана шундай яқин ўхшашликлар мавжуд. Бу лексема ва фразеологизмларнинг номинатив функцияларида ҳам, мазмуний тузилишида ҳам яққол намоён бўлади.

Фразеологизмнинг мазмуний мундарижаси нималарни қамраб олади, мазмуний мундарижани ташкил этган компонентларнинг фразеологик тизим учун мавқеи қандай сингари саволларга жавоб бериш фразеосемантика учун муҳим ҳисобланади.

В.П.Жуковнинг фикрича, фразеологизмнинг мазмуний тузилишида фразеологик маънони бирлаштирувчилик белгилари алоҳида ажралиб туради. Бу белгилар фразеологизм маъноларининг таркибий элементи сифатида турли хил фразеологизмлардан ўрин олади [2.25-26]. Унинг фикрича, дифференциал семантик белгилар фразеологизмларнинг семантик ўзига хослигини кўрсатса, интеграл (бирлаштирувчи) семантик белгилар бир фразеологик бирликнинг бошқасига ўхшашлигини кўрсатади. Муҳими шундаки, муаллиф интеграл белгилар грамматик ҳам, соф семантик ҳам бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Фразеологизмларнинг семантик интеграл белгиларининг бу хилма-хиллигини эътиборга олган ҳолда, фразеологик маънонинг интеграл (маъновий бирлаштирувчи) белгилари сифатида қуйидаги маънолар қўрсатилиши мумкин:

1. Категориал маъно.
2. Баҳо (аксиологик) маъно.
3. Кучайтирувчи (даража) маъно.
4. Жонлилик-жонсизликни билдирувчи маъно ва бошқ.

Кўринадики, интеграл сема сифатида белгиланувчи сема поғонавийлик, кўпбосқичлилик хусусиятига эга. Юқори босқичдаги фразеологик семантик гуруҳ аъзолари учун дифференциал сема вазифасини бажарувчи сема бўлинишнинг кейинги босқичи учун интеграл сема вазифасини бажаради. Шу сабабли фразеосемаларнинг интеграл (бирлаштирувчи)лик функцияси нисбий характерга эга. Шунинг учун фразологизмлар мазмуний мундарижасидан ўрин олган бирлаштирувчилик хусусиятини қуйидаги шажара орқали ифодалаш мумкин:



Шажарадан шу нарса кўзга ташланадики, фразеологик система мазмуний жиҳатдан поғонавий тузилишни ташкил қилади. Ҳар бир поғона аъзолари ўзидан бир босқич юқори бўлган поғона аъзолари билан жинс-тур муносабатида бўлади. Демак, лексик системага хос гиперо-гипонимик муносабат фразеологик система учун ҳам характерлидир. Инглиз тилшуноси Дж.Лайонз лексик системадаги гипонимия ҳақида тўхталар экан, бу ҳодиса ҳар қандай тилнинг луғат таркибини тузишда энг фундаментал аҳамиятга эга бўлишини таъкидлаган эди [4.478].

Дж.Лайонзнинг бу фикри бевосита фразеологик системага ҳам даҳлдор. Фразеологик гипонимия ҳам тилнинг фразеологик луғат таркибини тузишда катта аҳамиятга эгадир. Фразеологик гипонимлар худди лексик гипонимлар каби фразеологик гипероним таркибида бир неча фразеологик гипонимларни ўзида ассоциатив бирлаштиради. Гипонимларнинг гипероним таркибида бирлашувида асосий вазифа сифатида бирлаштирувчи белги хизмат қилади. Масалан, “жараён” категориал семаси мазмуний мундарижасида шу сема мавжуд бўлган *пешона тери тўкмоқ, кўз нурини тўкмоқ* сингари бир қанча фразеологик гипонимларни бирлаштиради ёки “белги” категориал семаси *қовоғидан қор ёғилмоқ, тишининг оқини кўрсатмаслик* сингари гипонимларни жамлайди. Ўзаро гипонимик муносабатда бўлган лексемалар гипероним билан “таркибга кирувчилик” (“включение”) муносабатида бўлиб, бу муносабат парадигмада намоён бўлса, гипоним билан гипоним син-

тагматикада дизъюнктив муносабат орқали воқеланади, яъни нутқ жараёнида гипонимдошлардан бири танланади. Бу ўринда дизъюнктив атамаси остида бир қанча альтернантлардан биттасининг нутқ жараёнида танланиши тушунилади.

Шундай қилиб, “предметлик”, “жараёнлик”, “белгилик” семалари фразеологик бирликлар учун ҳам категориал сема саналади ва бу сема фразеологизмларни маълум туркумга бирлаштиришга асос бўлади. Шунинг учун бу сема туркумлик семаси деб ҳам юритилади.

Фразеологизмлар мазмуний мундарижасида категориал семадан ташқари, баҳо ва градация семалари ҳам мавжуд. Масалан, *кўзидан қон оқмоқ* фразеологизми билан *жаҳли чиқмоқ* фразеологизми ўртасидаги фарқловчи белги градация бўлиб, биринчиси белгининг кучлилигини, иккинчиси эса кучсизлигини билдиради. Белгининг кучли-кучсизлиги семаси шундай белгига эга бўлган фразеологизмларни бир парадигмага бирлаштириш учун асос бўлиши мумкин. Бундай вақтда ана шу сема бирлаштирувчилик вазифасини бажаради.

Баҳо семаси ҳам категориал маънога таъсир этган ҳолда, ўзи бир-биридан мазмуний фарқланувчи бир қанча фразеологизмлар учун бирлаштирувчи сема бўлиши мумкин [2.26]. Масалан, *бидир-бидир қилмоқ, оғзидан бол томмоқ* сингари фразеологизмлар категориал семасига кўра “жараён”ни, денотатив семасига кўра “нутқий фаолият”ни билдириши билан бир умумий гуруҳга мансубдир. Демак, юқоридаги икки сема мазкур фразеологизмлар учун интеграл (бирлаштирувчи) сема вазифасини бажаради. Юқоридаги фразеологизмлар ўзаро баҳо семасига кўра фарқланади. Биринчи фразеологизмда сўзловчининг объектга бўлган салбий муносабати, иккинчи фразеологизмда эса ижобий муносабат ифодаланади. Кўринадики, бу фразеологизмлар баҳо семасига эгалиги билан баҳо семасига эга бўлмаган бошқа фразеологизмларга зидланади. Баҳо семасига эга бўлган оппозиция аъзоларининг жами аксиологик парадигмани ҳосил қилади. Аксиологик парадигма учун бирлаштирувчи асос бўлиб баҳо семаси хизмат қилади.

Фразеологик маънони бирлаштирувчилик вазифасини бажарувчи категориал, баҳо, градацион каби семалар фразеологизмларнинг сигнификатив маъноси таркибий тузилишига киради. Булардан иккинчи ва учинчи сема коннотатив маъно сифатида фразеологизмларнинг денотатив (номинатив) маъноси устига қўйилган. Бундан фразеологизмларнинг объектив борлиқни аташ функциясини бажариш вазифасини бажарувчи сема сифатида денотатив сема фразеологизмларни маълум фразеологик-семантик гуруҳга бирлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Шунга кўра денотатив сема барча фразеологизмларнинг фундаменти саналади. Сўзловчининг модал муносабатини ифодалашга хосланган *садағанг кетай, гўрингда тўнғиз қўпкур* сингари эркалаш, сўкиш сингари маъноларни билдирувчи фразеологизмлардан бошқа барча фразеологизмлар денотатив маънога эга.

Аксиологик, градацион маънолар асосида фарқланиб турган фразеологизмлар ҳам денотатив семаси билан бирлашиб туради. Масалан, *лабидан сўзи учмоқ, бидир-бидир қилмоқ* тарзидаги фразеологик бирликлар денотатив маъносига кўра бир фразеологик-семантик гуруҳ (ФСГ) га бирлашади. Демак, денотатив сема ҳам бир қанча фразеологизмларни маълум ФСГларга бирлаштиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, ҳар қандай тилда мавжуд бўлган фразеологизмларнинг системавий табиатини ёритишда, маълум ФСГларга таснифлашда фразеологик бирликлар мазмуний мундарижасини ташкил этган семаларнинг дифференциал ва интеграл вазифалари катта аҳамиятга эга. Фразеологизмлар семик структурасидаги семаларнинг дифференциал ва интеграл функциялари нисбий характерга эга бўлиб, бир фразеологик гуруҳни бошқа гуруҳлардан ажратиш учун дифференциал белги сифатида хизмат қилган белги бир ФСГ таркибидаги фразеологик бирликларни шу гуруҳга бирлаштириш учун интеграл белги бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове.- М.-Л., 1947.
2. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов.- М.: Просвещение, 1978.
3. Караулов Ю.Н. Лингвистическое конструирование и тезаурус литературного языка.- М., 1981.
4. Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику.- М.: Прогресс, 1978.

Фарғона давлат университети,
2009 йил 31 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)